ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

# “МАРОИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР – 2013”

*Республика илмий-амалий анжумани*

## МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ

*2013 йил 25 октябрь*

Тошкент – 2013

Scanned by CamScanner

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| Кириш | | 3 |
| **ЯЛПИ ЙИҒИЛИШ МАЪРУЗАЛАРИ** | | |
| Алимов Н. | Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари | 4 |
| Вахабов А.В. | Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўналишлари | 8 |
| Умурзоков Ж. | Иностранные инвестиции в национальную экономику: состояние, меры их стимулирования и перспективы развития | 15 |
| Зикриллаева Н.А. | Налогово-бюджетная политика как важный фактор экономического роста и устойчивого экономического развития | 17 |
| Беркинов Б.Б. | Ўзбекистон иқтисодиётини рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари | 20 |
| **ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ** | | |
| Худайназаров А., Турдибаева М. | Анализ эффективности макроэкономической политики в условиях растущей открытости экономики: системный подход | 22 |
| Ҳакимова М.Ф., Саъдуллаев Т.Ҳ. | Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги ва уни амалга ошириш омиллари | 25 |
| Каланова А.Б., Каланов Б.З. | Роль инвестиций в усилении международных связей и обеспечении макроэкономического роста Республики Узбекистан | 27 |
| Қосимов А., Саъдуллаева Г.С. | Деҳқон хўжаликлари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари | 28 |
| Жуковская И.Е. | Развитие сектора информационно-коммуникационных технологий в национальной экономике – веление времени | 30 |
| Умаров Ж.Т. | Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги иқтисодий рақамларда | 31 |
| Ачилова Н.Б. | Проблемы совершенствования банковско-финансовой системы Республики Узбекистан | 32 |
| Норова С.Ю. | Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий жиҳатлари | 34 |
| Муродов Ш. | Основы организации кооперации сельскохозяйственного сектора | 36 |
| Намозова Қ.И. | Иқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестицияларнинг роли ва уларнинг таҳлили | 37 |
| Акбаров Н. | Пахта толаси рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий асослари | 39 |
| Бегматова Д.Б. | Особенности формирования национальной системы рейтинговой оценки уровня корпоративного управления | 41 |
| Джанизаков Ш.Г. | Прогнозлаштириш методлари ва бюджет даромадларини шакллантиришда прогнозлаштиришнинг аҳамияти | 42 |
| Жабборов А.А. | Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда молия вазирлиги ғазначилиги орқали амалга оширилаётган молиявий назоратни ўрни ва аҳамияти | 44 |




Scanned by CamScanner

| | | |
|---|---|---|
| Бакиева И.А., Мирзарахимова А.Б. | Повышение качества человеческого капитала в условиях инновационной экономики | 144 |
| Косимов М.С. | Кластер усули ва ундан амалиётда фойдаланиш | 146 |
| Карлибаева Р., Абипова Г. | Совершенствования системы корпоративного управления в акционерных обществах | 148 |
| Ташматов Р.Х. | Фермер хўжалигида трансакция харажатларини бошқариш йўналишлари | 150 |
| Рузметова Х.Н., Жуковский А.Д. | Роль инновационно-технологического фактора в информационной экономике | 151 |
| Закирова С.А. | Развитие инновационной системы в Таиланде | 153 |
| Артиков А.Г. | Инновацион ривожланиш – барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида | 154 |
| Авезова Ш.М., Джумаева З.К. | Анализ особенностей инновационного развития Узбекистана | 156 |
| Авезова Ш.М., Жуманиёзова Ф. | Условия формирования информационной экономики в Узбекистане | 158 |
| Примова А.А. | Особенности инновационного развития легкой промышленности Узбекистана | 160 |
| Умаров И., Хашимов Б. | Инновационные процессы в образовании | 162 |
| Ашуров З.А., Холикова Р.С. | Транспорт инфратузилмаси - иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида | 163 |
| Примова А.А., Махмудова А. | Инновационные процессы и социально-экономическое развитие страны | 165 |
| Азларова Д., Маджидов М. | Проблемы инновационного развития промышленных предприятий | 166 |
| Мурадов Ш. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперацион алоқаларни самарадорлиги | 167 |
| Жахонгиров И., Абдуллаев М.К. | Компания стратегик бошқарувини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари | 168 |
| Mirzaev A. | Global innovation index and Uzbekistan | 170 |
| Расулов А.А. | Камерал назоратини ташкил қилишдаги услубий муаммолар | 171 |
| Норбоева Н.Э. | Электронный документооборот - эффективный инструмент управления | 173 |
| Абраева С.Н. | Халқаро аудиторлик ташкилотлари ва бирлашмаларининг аудиторлик фаолияти ривожланишидаги тутган ўрни | 174 |
| **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ** | | |
| Назарова Г.Г., Каримова Ш. | Государственный механизм стимулирования финансирования инвестиционной деятельности в малом бизнесе | 177 |
| Кучаров А., Айтиева С. Кучарова Н.А. | Тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш | 178 |
| Рахманбаева Р.А., Хидирова М.Р. | Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари. | 179 |
| Кучаров А., Айтиева С. Кучарова Н.А. | Ташқи савдо операцияларини мониторингини амалга оширишда ахборот технологияларини такомиллаштириш | 180 |




Scanned by CamScanner

ашёдан фойдаланиш;

Учинчидан, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш мақсадида инвестицион муҳитни янада такомиллаштириш;

Тўртинчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш мақсадида маҳаллий жамғармаларни ташкил этиш;

Бешинчидан, иқтисодиётда тезлаштирилган амортизация сиёсатини кенг жорий этиш;

Олтинчидан, мамлакатда фан-техникани ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб, инновацияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

Еттинчидан, мамлакатимизда маркетинг тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

***Ш.Муродов, ассистент, НамИТИ***

## Основы организации кооперации сельскохозяйственного сектора

Современная аграрная политика направлена на повышение интенсивности сельского хозяйства, обеспечение неуклонного роста производства продуктов земледелия и животноводства путем внедрения достижений научно-технического прогресса, совершенствования организационных структур и экономических отношений.

Кооперация и разделение труда присущи каждой общественно-экономической формации. Следует отметить, что агропромышленный синтез при свободных рыночных отношениях имеет своей целью получение максимума прибыли путём повышения эффективности комбинированного производства и устойчивости его в условиях кризисных явлений в отдельных отраслях.

Комбинирование аграрного и промышленного производства позволяет значительно повысить их эффективность за счёт приближения мест переработки к местам получения сырья, сокращения затрат на транспортировку, улучшение качества и равномерности поставок.

Объективная необходимость широкого проведения межхозяйственной кооперации и агропромышленной интеграции на современном этапе проявляется в дальнейшем интенсификации сельскохозяйственного производства, повышение его качества и эффективности, более широком применении науки, рациональном использовании трудовых и технических ресурсов, сглаживании различий между городом и селом, уменьшении различий между умственным и физическим трудом, дальнейшем социальном развитии фермерских хозяйств.

Основными предпосылками межхозяйственного кооперирования являются высокие темпы научно-технического прогресса, индустриализация сельскохозяйственного производства, внедрение интенсивных методов хозяйствования, совершенствования организационных и планово-экономических форм управления, высокий культурно-технический уровень работников сельского хозяйства, а также положительный опыт межхозяйственной кооперации и агропромышленной интеграции, накопленный в стране.

В процессе межхозяйственной кооперации сельское хозяйство из преимущественно замкнутой отрасли по производству сельскохозяйственной продукции, постепенно проходя определённые стадии развития, превращается в одну из составных частей агропромышленного комплекса.

Эффективность производства значительно повысится при более чётком функционировании агропромышленного комплекса, который состоит из трёх основных частей. Первая представляет собой отрасли экономики, которые производят средства производства для сельского хозяйства и перерабатывающей промышленности, материально-техническое обеспечение и производственное обслуживание. Вторая – отрасли сельского хозяйства. К третьей относится совокупность отраслей и производства, связанных с хранением, переработкой сельскохозяйственного сырья, заготовкой, транспортировкой и доведением готовой продукции до потребителя.



Scanned by CamScanner

Необходимо разработать принципы проведения работ по межхозяйственной кооперации и агропромышленной интеграции:

-добровольность в совместном сотрудничестве;

-сохранение хозяйственной самостоятельности фермерских хозяйств входящих в межхозяйственные и агропромышленные объединения;

-материальная заинтересованность фермерских хозяйств, а также повышение эффективности общественного производства как объединение в целом, так и каждого предприятия в отдельности;

-научный подход к выбору организационных форм, направлений и последовательности проведения работ по специализации и концентрации с учётом производственной структуры и экономики хозяйств, особенностей отраслей и накопленного опыта;

-достижение главной цели специализации и концентрации – значительное увеличение производства, продаж и экспорта сельскохозяйственной продукции, повышение её качества, рост производительности руда и снижение затрат.

По Республике в 2012 году со стороны 211 агрофирм с фермерскими хозяйствами были составлены контракты на сумму 82135 млн. Сум, но было продано всего лишь 55% от всей продукции. Учредительские хозяйства на настоящее время стараются реализовать свою продукцию не агрофирмам, а напрямую на рынке. Этот процесс влечёт за собой проблему, связанную с ценовой политикой продукции.

На уровне агрофирм при продаже сельхозпродукции необходимо внедрить маркетинговую услугу. Целесообразно будет использовать маркетинговую политику в следующем:

- изучение изменение спроса и объёма сельскохозяйственной продукции, использовать собранную информацию в производстве и продаже сельхозпродукции;

- ввести меры поощерения рекламы и продаж, организации усулуг продаж продукции, процесс упаковки и фасовки;

- планировать и организовывать производство, развивать ассортименты продукции на основе рыночного спроса;

- разработать ценовую систему, развивать и проверить на практике её эффективность. Внедрить цепочку торговых точек, на месте производства сельхозпродукции, такие как, «Полевые – точки продаж».

***Қ.И. Намозова, Тошкент***
***иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси***

## Иқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестицияларнинг роли ва уларнинг таҳлили

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган ютуқларимиз беқиёсдир. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, реал сектор корхоналар ишлаб чиқаришини, фаолиятини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастурлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўздэуавто, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё комплекси каби саноат гигантлари билан бирга иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишни такомиллашишига, экспорт ҳажмининг ошишига, ЯИМ ҳажмининг барқарор кўпайишига имкон берган ўнлаб енгил саноат корхоналари, алоқа ва транспорт соҳаси объектлари, бошқа ишлаб чиқариш характеридаги корхоналар ишга туширилди. Инвестиция муҳитини яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодиётида изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёнлари кейинги йилларда инвестицион фаолликни таъминлади.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устуворлик қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада



Scanned by CamScanner

второстепенность отдельных классификационных признаков и отсутствие четких границ между видами инноваций. Автором предложена классификация инноваций по причинам возникновения, удовлетворению потребностей, уровню охвата, направлениям НТП, сфере приложений, степени новизны, которая дает наиболее полное отражение особенностей и характеристик инноваций в промышленности и необходима для установления значимости того или иного вида инноваций, выявления степени их влияния на повышение эффективности производства.

В мировой инновационной системе происходят кардинальные трансформации: растет интенсивность инновационных процессов, сокращаются сроки создания инноваций. В работе выделены наиболее характерные стадии инновационного процесса, необходимые для большинства инновационных проектов в различных отраслях промышленности. Ими являются: научно-исследовательские и опытно-конструкторские разработки (НИОКР); разработка основных характеристик продукта; опытный образец, создание и испытание продукта; планирование производства, создание необходимых производственных мощностей; подготовка производства; маркетинговые работы по продвижению товара на рынок. Такое разделение инновационного процесса позволяет измерить стадии по затратам ресурсов и времени для эффективного ведения учета.

Проведение научно-технических мероприятий, связанных с внедрением инноваций осуществляется в рамках реализации инновационных проектов. Инновационный проект является специфичным средством планирования инновационной деятельности предприятия и необходимым инструментом принятия проектно-инвестиционных решений, связанных с взаимодействием фирмы с внешней средой. Главной целью инновационного проекта является реализация инноваций, различных как по своему содержанию - продукт, процесс, структура, метод, так и по способу их получения. Сущностной характеристикой инновационного проекта должна быть его нацеленность на реализацию инновации.

***Ш.Мурадов, ассистент, НамМТИ***

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперацион алоқаларни самарадорлиги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқаришда замонавий усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Чунончи, фермер хўжаликлар томонидан ташкил этиладиган кооперациянинг мақсади кафолатланган даромад олишга интилиш билан боғлиқдир. Фермер хўжаликлари кооперацияси учун доимий тавсифга эга бўлган тузилмани ташкил этиш унда ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва хўжалик кўламларини тўғри танлай олиши, унга мос ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий асосни яратиши, маҳсулотни сотиш ва қайта ишлаш, АСМ тизимидаги корхоналар билан кооперацияни ривожлантиришнинг бирмунча фойдали йўлларини аниқлашлаштириб олиши лозим.

Фермер хўжаликлари кооперациянинг ишлаб чиқариш тармоқ ихтисослашувининг у ёки бу моделини танлаш кетма-кетликда бажарилувчи чора – тадбирларни қамраб олиши лозим бўлиб, жумладан:

–кўзда тутилаётган ишлаб чиқариш ихтисослашувининг муқобил вариантларини ўрганиш ва дастлабки таҳлил қилиш;

–кооперациянинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини асослаш;

–кўзда тутилаётган ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳар бир тармоқдан олиниши мумкин бўлган фойдани таҳлил қилиш;

–асосий ва қўшимча тармоқларнинг бир мунча самарали бирикувининг қисқа ва узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқишда ўз аксини топади.

Шунингдек, кооперациянинг ресурс базасида ва киритилаётган капитал ўлчамларида, экинлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигида қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотлари ва хизматларига нархнинг мумкин бўлган ўзгаришлари ҳисобга олиниши



Scanned by CamScanner

зарур.

Фермер хўжаликлари кооперациясини ташкил этиш бўйича кўзда тутилган ишларнинг кейинги босқичи, бевосита уни ташкил этиш бўлиб хисобланади. Бу ерга кооперациясининг бир мунча мақбул бўлган ташкилий – хуқуқий шаклини танлаш, тижорат, молия ва кредит маблағларидан фойдаланиш, техник ривожлантириш, хисоб – китоб нархлари, тарифлар ва бахолар соҳасида улар ўртасидаги умумий харакатларни келишиб олиш алохида ўринга эга. Сўнгра, кооперацияни рўйхатдан ўтказиш, кооперация иштирокчиларининг таъсис ёхуд умумий йиғилишини ўтказиш, Фермер хўжаликлари кооперациясини стратегик ва тактик бошқаришнинг асосий масалаларини ҳал этиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Маъмурий органларда тегишли хужжатлар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, кооперация иштирокчилари ўзлари томонидан ташкил этилган бирлашма доирасида фаолиятларини бошлашлари мумкин.

Фермер хўжаликларини кооперация субъекти сифатида тадқиқотлар олиб бориш натижасида, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳасида кооперация алоқаларининг хозирги ривожланиш холатини таҳлил этиш ва ривожланган мамлакатлар аграр секторида кооперация муносабатларини ўрганиш асосида қуйидаги фермер хўжаликларини кооперацияси турларини тавсия этилади:

– мехнат кооперацияси;
– техника воситаларидан фойдаланиш кооперацияси;
– сотиш ва таъминот кооперацияси.
– кредит ва суғурта кооперацияси;
– ер ресурсларидан фойдаланиш кооперацияси;
– тўла кооперация ва х.к.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шаклланишида агрофирмаларнинг аҳамияти бекис хисобланади. Зеро, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун рақобат муҳитини шаклланишида агрофирмаларнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

*И. Жаҳонгиров, мустақил тадқиқотчи, ТДИУ*
*М.Қ. Абдуллаев, ассистент, ТДИУ*

### Компания стратегик бошқарувини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич шаклланиб бориши компания ва корхоналар олдига ўз фаолиятларини ҳозирги замон холатидан келиб чиққан холда ташкил қилиш талабини қўймоқда. Бу борада стратегик бошқарувнинг роли каттадир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, дунёдаги кўплаб тараққий этиб келаётган компаниялар тезда танаввулга учрамоқда. Ушбу компаниялар ривожланишлари учун жудаям катта ички ресурсларга эга бўлишган, лекин нимагадир инқирозга учраган. Олиб борган тадқиқотларимиз, ушбу ҳолатга қуйидаги омиллар жиддий таъсир қилганлигини кўрсатмоқда:

- ахборот-коммуникация технологияларидаги юқори суръатлардаги илмий-техникавий жараёнлар компанияларга стратегик мақсадларини шакллантириб олишлари учун ўзларининг тажрибасини йиғиш ва тизимлаштиришларига керак бўлган вақтни қолдирмаяпти;
- глобаллашув ва гиперрақобат компанияга ўзининг барча рақибларини аниқлаб олиш масаласини ечишга йўл қўймаяпти;
- инновацияларни жорий этиш ҳисобига ўзининг ресурсларидан эркин фойдаланиш борасида компаниялар имкониятларининг чекланганлиги.

Стратегик бошқарув жараёнларига янгича фикрда қарайдиган вакиллар стратегик бошқарувнинг объекти сифатида компанияни эмас, балки маълум бир мақсадга йўналтирилган кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи бизнесни кўриш кераклигини таклиф қилишмоқда.



Scanned by CamScanner